

## Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2021 йил декабрь ойининг 17 кунини жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди, очиқ суд мажлисида, ўз биносида, судья: Б.Б.Бердиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Ғофуровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Мирзо Улуғбек туман прокурори ёрдамчиси Ш.Джалилов, судланувчи Д.Матназаровнинг иштирокида,

**Матназаров Дониёрбек Маткаримович**, 1985 йил 18 март кунини Хоразм вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, депутатликка сайланмаган, Хоразм вилояти, Ҳонқа тумани, Олажа ҚФЙ, Янги турмуш маҳалласида истиқомат қилувчи, иш бўйича “қамоқ” эҳтиёт чораси 2021 йил 29 сентябрь кунини қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 17 ноябрь кунини олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбланган Матназаров Дониёрбек Маткаримовичга оид 1-1001-2102/716-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб,

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и:

Матназаров Дониёрбек Маткаримович Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрь кунинидаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 121-моддаси (Ҳамма эркин фойдаланиш мумкин бўлган ахборотни Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш) талабларини қўпол равишда бузиб, мазкур Қонун нормасида кўрсатилишича, веб-сайтнинг ёки веб-сайт саҳифасининг эгаси веб-сайт саҳифасидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини ўзгартиришга даъват этиш, терроризмни, шунингдек диний экстремизм, фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш ахборотини тарқатиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги, шунингдек веб-сайт саҳифасининг эгаси веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда, уни дарҳол ўчириб ташлаши шартлиги, ушбу белгиланган талабларни бузган тақдирда қонун ҳужжатларга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлишлиги кўрсатилган бўлса-да, у мазкур қонун талабига амал қилмасдан, Интернет жаҳон ахборот тармоғининг “Oklive” дастурида “Дониёр Назаров” номли ва “Tik Tok” дастурида “@doniernazarov0” номли профилларни яратиб, ўзининг “Samsung A70” русумли уяли алоқа воситаси орқали бошқа танишлари ҳам кўришлари учун “Oklive” дастуридаги “Дониёр Назаров” номли профилига ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган 37.33 дақиқадан иборат Хоразмни хоин демоқчилиги, Жаҳонгир Отажоновга қарши бўлаётган



фикрлар нотўғри экани, президент Қуръон билан қасам ичган бўлса ҳам дин билан бошқармаётгани, Жаҳонгир Отажонов партия очгани, президент унга қарши бўлиб, жиноят қилаётгани, ҳеч бир президент Аллоҳ демагани, улар Худо дейиши, Худо дейдиганлар диндан чиккани каби фикрлари келтирилган “ЖОХОНГИР ОТОЖОНОВ АЛЛОХ РОЗИ БУЛСИН” номли, 1.24.39 соатдан иборат президент конституцияга амал қилмаётгани, Хоразм манқуртлари, ақлсизлари, бисмилло билан ароқ ичишлари, бу ишни қиладиганлар кофир бўлиши, улар худо дейишса ҳам худолари ҳам масхарабоз экани ҳақидаги фикрлари келтирилган “ЎЗБЕКИСТАНИ ЯХШИ БУЛШИШИ УЧИН НИМА КИЛШ КЕРАК” номли профилларига диний материалларни жойлаштириб, уларни ошкорона равишда тарқатиб келаётганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан берилган ИП-1319 сонли хулосасида Д.Матназаровга тегишли экани кўрсатилган “Oklive” дастурида “Дониёр Назаров” номли профилдаги юқорида кўрсатилган маълумотлар ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган бўлиб, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланганлиги аниқланган.

Судланувчи Матназаров Дониёрбек Маткаримович судда ўз айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2016 йилнинг ўрталаридан бошлаб, олдида ислом динини ўрганишни мақсад қилиб қўйганлиги, шунда у тирикчилик қилиш мақсадида Қозоғистон Республикаси Нурсултон шаҳрида ишлаб юрганлиги, шунда “Хазрати Султон” масжидига бориб, мустақил равишда намоз амалларини бажаришни ўрганганлиги, у намозни имоми аъзам масхабида ўқишини, шу билан биргаликда интернетнинг турли сайтларига кириб, Абдуллоҳ домла, Закирнак, Дидат каби домлаларнинг диний маърузаларини мунтазам равишда тинглаб келишини, 2018 йилнинг охирида Қозоғистон Республикаси Нурсултон шаҳрида жойлашган “Артём” номли бозордан “Samsung A70” русумли уяли алоқа воситасини сотиб олиб, ушбу уяли алоқа воситаси орқали интернетнинг “Oklive” ва “Tik Tok” ижтимоий тармоқларига уланганлиги ва “Oklive” дастуридаги номи “Дониёр Назаров” ва “Tik Tok” дастуридаги номи “@doniernazarov0” номли профилларни яратганлиги, шунда ушбу тармоқларда мавжуд бўлган қизиқарли видео роликларни кузатиб келиб, ўзининг шахсий фикрларини жойлаштира бошлаганлиги, у Қозоғистон Республикасида ишлаб юрган кезлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан олиб борилаётган сиёсат қониқтирмаганлиги сабабли ва олиб борилаётган сиёсатдан норози бўлиб, интернетнинг “Oklive” ва “Tik-Tok” ижтимоий тармоқларидаги профилларига Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан илгари сурилаётган ғояларга қарши ўзининг норозилигини билдириб, шахсий фикрлари билан ўртоқлашиб келганлиги, шунда Сурхондарёлик блогер Отабек Сатторий Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтаётган ноҳақликлар озасидан интернет тармоғида ўзининг шахсий фикрларини билдириб



келаётганлиги сабабли уни ноҳақдан қамаб юборишганлари, шунингдек Жаҳонгир Отажонов Туркия Республикасига бориб, у ерда Мухаммад Солиҳ билан учрашиб, Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилаётган сиёсатни қоралаб келганлиги ва у Ўзбекистон Республикасига қайтиб келганидан сўнг унга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари тинчлик беришмаётганликлари юзасидан фикрларини интернет тармоқлари орқали кузатиб келганлиги, шунда уни Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилаётган сиёсатга бўлган нафрати янада кучайиб кетиб, Ўзбекистон ҳукумати томонидан олиб борилаётган сиёсат нотўғрилигини билдириш учун интернетнинг “Oklive” ва “Tik Tok” ижтимоий тармоқларида мавжуд бўлган танишлари кўришлари учун ўзининг шахсий яъни, Жаҳонгир Отажоновга қарши бўлаётган фикрлар нотўғри экани, у олдинги ишларидан тавба қилгани, у динга амал қилаётгани, хоразмликлар диндан узоқлиги, бугунги президент хоинлиги, чунки қонунларга амал қилмаётгани, Жаҳонгир Отажонов президентлика ҳақли экани, унга қаршилар давлат душмани экани, мактабларда ўқувчиларга ҳуқуқни ўргатмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш кераклиги, қонун ва ҳуқуқларга тўлиқ риоя этилмаётгани, оддий ишлар учун одамлар қамалаётгани, блогерлар ҳам бунга эътибор бериш кераклиги, бугунги президентга қарши экани, унга овоз бермаслиги, Жаҳонгир Отажоновга овоз бериш кераклиги тўғрисидаги фикрларини жойлаштириб чиққанлиги, хусусан “Oklive” дастуридаги “Дониёр Назаров” номли профилига Тошкент вилояти Ғазалкент тумани Бурчимулла ахоли яшаш пунктида бўлган вақтида 37.33 дақиқадан иборат Хоразмни хоин демоқчилиги, Жаҳонгир Отажоновга қарши бўлаётган фикрлар нотўғри экани, президент Куръон билан қасам ичган бўлса ҳам дин билан бошқармаётгани, Жаҳонгир Отажонов партия очгани, президент унга қарши бўлиб, жиноят қилаётгани, ҳеч бир президент Аллоҳ демагани, улар Худо дейиши, Худо дейдиганлар диндан чиққани каби фикрлари келтирилган “ЖОХОНГИР ОТОЖОНОВ АЛЛОХ РОЗИ БУЛСИН” номли, 1.24.39 соатдан иборат президент конституцияга амал қилмаётгани, Хоразм манқуртлари, ақлсизлари, бисмилло билан ароқ ичишлари, бу ишни қиладиганлар кофир бўлиши, улар худо дейишса ҳам худолари ҳам масхарабоз экани ҳақидаги фикрлари келтирилган “ЎЗБЕКИСТАНИ ЯХШИ БУЛШИШИ УЧИН НИМА КИЛШ КЕРАК” номли видеоларни тайёрлаб юқорида кўрсатилган профилига жойлаштирганлиги, қилган ишларини нотўғри деб билмаслиги, агарда мазкур қилган ишлари жиноят бўлса, жавобгар бўлишга тайёрлиги ҳақида фикр мулоҳазаларини интернет тармоғида эълон қилиб келганлиги, ҳозирда қилмишидан пушаймонда эканлиги, унга адолатли жазо тайинланагини сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида видео конференц алоқа режими орқали гувоҳ сифатида сўралган **Матназаров Бобуржон Маткарим ўғли** ҳақиқатдан ҳам Матназаров Дониёрбек Маткарим ўғли уни акаси бўлишини, акаси билан бирга қурилиш объектларида ёлланма ишчи сифатида ишлаб келиши, биринчи маротаба акаси билан 2017 йил апрель ойида Қозоғистоннинг



Нурсултон шахрига бориб, у ерда турли қурилиш объектларида 2019 йил май ойига қадар бирга ишлаганлари, орада бир неча маротаба улар Ўзбекистонга келиб кетиб юрганлари, 2019 йил май ойида у Ўзбекистонга қайтиб келганлиги, акаси эса фуқаролик паспортини у ерда йўқотиб қўйганлиги сабабли, Ўзбекистонга қайта олмаганини ва акаси Нурсултонда ишлашни давом эттиргани, у 2021 йил апрель ойига қадар соғлиғи сабабли, юқорида кўрсатилган манзилда жойлашган яшаш уйида бўлганини ва ҳеч нима билан шуғулланмаганлиги, шу вақтларда Нурсултонда бўлган акаси билан асосан “IMO” ижтимоий тармоғи орқали алоқа қилиб турганликлари, бундан ташқари, “Odnoklasniki.ru” номли ижтимоий тармоғидаги “Matnazarov Boburjon” номли саҳифаси орқали акасига тегишли “Назаров Дониёр” номли профилида “OK Live” ижтимоий тармоғидаги саҳифасига жойлаштирган трансляция кўринишидаги турли мавзуларда ўз фикрларини билдирган видеотасвирларини бир нечтасини кўрганлиги, 2021 йил апрель ойида акаси Ўзбекистонга элчихона томонидан берилган Ўзбекистонга қайтиш учун гувоҳномага асосан қайтиб келгани, шундан сўнг, улар тахминан апрель-май ойларида Тошкент шаҳри Чилонзор туманида жойлашган хусусий уй қурилиш объектида ишчи бўлиб ишлаганликлари, шундан сўнг, Тошкент вилояти Ғазалкент туманида жойлашган Бурчимулла аҳоли яшаш жойида тахминан бир ой, июль-август ойлари Юқоричирчиқ туманида, сентябрь ойида шу кунга қадар М.Улуғбек туманида қурилиш объектларида ишлаб келганликлари, 2021 йил апрель ойидан бошлаб, Чилонзор туманида қурилиш объектида бўлган вақтида у биринчи маротаба акаси билан унинг “OK Live” ижтимоий тармоғидаги “Назаров Дониёр” номли профилида акаси Д.Матназаровга тегишли “Samsung A70” телефон аппарати орқали бирга трансляция қила бошлаганликлари, ушбу трансляцияда акаси Д.Матназаров асосан Ўзбекистондаги ижтимоий ҳолат, сиёсат ва бошқа мазмунларда ўз фикрларини билдириб келганлиги, шу вақтдан бошлаб у акаси Д.Матназаровни “OK Live” ижтимоий тармоғидаги “Назаров Дониёр” номли профилига жойлаштирган трансляция видеоларни кузата бошлаганлиги, хусусан, улар Тошкент вилояти Ғазалкент туманида жойлашган Бурчимулла аҳоли яшаш жойида бўлган вақтида акаси пешин вақтида у ердаги сув бўйида 37.33 дақиқадан иборат “ЖОХОНГИР ОТОЖОНОВ АЛЛОХ РОЗИ БУЛСИН”, 1.24.39 соатдан иборат “ЎЗБЕКИСТАНИ ЯХШИ БУЛШИШИ УЧИН НИМА КИЛШ КЕРАК” номли акаси ўзининг Ўзбекистон сиёсати, Жаҳонгир Отажонов, Аброр Мухтор Алий, хоразмликлар ҳақидаги фикрлари кўрсатилган видеоёзувларни тасвирга олиб, “OK Live” ижтимоий тармоғидаги “Назаров Дониёр” номли профилига жойлаштирганлиги, у ушбу видеоларни акаси Д.Матназаровга тегишли “Samsung A70” телефон аппарати орқали кўрганлиги ҳақида дастлабки терговда берган кўрсатмалари нотўғри эканлиги, чунки тергов вақтида унга рухий босим ўтказилганлиги, шу сабабли эндиликда тўғри кўрсатма беришини, яъни акаси Д.Матназаров томонидан олинган видеоларни кўрганлиги, бироқ уни мазмунини



билмаслиги, интернет тармоғи орқали кўзатмаганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Суд мажлисида видео конференц алоқа режими орқали гувоҳ сифатида сўралган **Иназаров Абзал Аҳад ўғли** - 2021 йил 16 сентябрь куни соат 11:00 ларда у Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани ИИО ФМБ биноси ёнидан таниши Ибадулаев Диёрбек билан бирга ўз ишлари билан ўтиб кетаётган вақтида, уларнинг ёнига нотаниш шахслар келишиб, ўзларини ички ишлар идоралари ходимлари деб таништиришиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб бир ишда холис сифатида иштирок этишини илтимос қилишганликлари, уни бўш вақти бўлгани сабабли, уларнинг илтимосига рози бўлганлиги, у билан бирга бўлган Ибодуллаев Диёрбек ҳам уларининг илтимосига рози бўлганлиги, шунда уларни ИИО ФМБ биносига таклиф қилишиб, Redmi Note 5 русумли телефон аппарати ёрдамида, “Oklive” номли ижтимоий тармоғига кирилиб, у ерда “Дониёр Назаров” номли саҳифага кирилиб, ушбу саҳифага жойлаштирилган унга нотаниш шахс томонидан тайёрланган ва жойлаштирилган диний ва сиёсий мазмундаги видеолархалар кўздан кечирилганлиги, шундан сўнг, “Tik Tok” номли ижтимоий тармоғига кирилиб, у ерда “@doniernazarov0” номли саҳифага кирилиб, ушбу саҳифага жойлаштирилган барча файл ва видеороликлар Д.Матназаров томонидан тайёрланган ва жойлаштирилган диний ва сиёсий мазмундаги видеолархалар кўздан кечирилганлиги, кўздан кечириш жараёни Panasonic русумли видеотасвирга олиш мосламаси орқали видеотасвирга олинганлиги, ушбу видеотасвир “DVD-R” дискга ёзилганлиги, шундан сўнг, тезкор ходимлар томонидан кўздан кечириш баённомаси расмийлаштирилиб, уларга танишиш учун тақдим қилинганлиги, у ва Ибодуллаев Диёрбек ушбу баённомани тўлиқ ўқиб чиқиб, баённомага имзо чекиб берганликлари ҳақида кўрсатма берди.

Суд мажлисида видео конференц алоқа режими орқали кўшимча гувоҳ сифатида сўралган **Матназаров Гулшода Маткарим қизи** ҳақиқатдан ҳам Матназаров Дониёрбек Маткарим ўғли уни акаси бўлишини, уларнинг отаси ўта қаттиқ қул инсон эканлиги, шу боисдан акаси Д.Матназаровни доимо иш билан банд бўлишини ва пул топиб тирикчилик қилишини талаб қилиб келганлиги, натижада отаси томонидан бу босимлар акаси Д.Матназаровга рухий жихатдан ёмон таъсир қилиб, Қозоғистон Республикасига ишлаш учун чиқиб кетганлиги, Қозоғистонда ишлаб юрган кезлари кимга қўшилган ва нима сабабдан жиноятга қул урганлигини тушунмай қолганлиги, унинг ўзи ҳам Россия Федерациясида ишлаб юрган вақтида акаси Д.Матназаровни интернет орқали кўзатиб юрган вақтларида “Tik Tok” жаҳон интернет тармоғи ва “Oklive” тармоғи орқали ҳар-қил кўринишдаги видео роликлар олиб ўзининг саҳифасига жойлаштирилганлиги кўриб, қўрққанидан ва акаси Д.Матназаров нотўғри йўлда эканлигини билиб, бир неча маротаба акаси Д.Матназаровни бу йўлдан қайтармоқчи бўлганлиги, бироқ акаси Д.Матназаров унинг сўзларига қулоқ солмаганлиги ва ўзини билганидан қолмасдан ҳаракат қилганлиги учун Россия Федерациясидан туриб, Хоразм



вилояти Хива шаҳар ИИБ бўлимига акасини бу жиноят йўлидан қайтариш учун бир неча маротаба ариза ёзиб мурожаат қилганлиги, акаси бу жиноятларни рухий босим натижасида содир этган деб ҳисоблашини, акаси Д.Матназаров ҳаётда яхши инсон эканлиги, спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилмайдиган яхши йигит эканлиги, ҳозирга қадар тирикчилик ташвишидан уйланмасдан бўйдоқ юрганлиги, суд ҳайъати акаси Д.Матназаровни авф этишини сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида томонларнинг розилиги билан гувоҳ **Ибадуллаев Диёрбек Шербек ўғлининг кўрсатмалари ўқиб эшиттирилди, унга кўра ўзидан олдин кўрсатма берган гувоҳ Иназаров Абзал Аҳад ўғлининг кўрсатмаларига ўқшаш кўрсатув бериб ўтди.**

Суд, давлат айбловчисининг хулосаси ва ҳимоячининг мулоҳазасини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Д.Матназаровнинг жиноят содир этганликдаги айби унинг тўлиқ иқрорлик билан берган кўрсатувларидан ташқари, Д.М.Матназаровга тегишли “Samsung Galaxy A70” ва “Samsung Galaxy J2” телефон аппаратларини олиш, кўздан кечириш баённомалари, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори билан, Видеоёзувларни кўздан кечириш баённомаси билан, Судга оид адабиётшунослик экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарор ва ИП-1319 сонли хулоса билан ҳамда жиноят иши буйича барча тўпланган Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддаси тартибида текширилган ва баҳоланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан Д.Матназаровнинг жиноий ҳаракатлари Республикаси ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “г” банди билан Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатишда ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кунидаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли қарорининг 3-бандига кўра, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Суд, судланувчи Д.Матназаровга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, шахсини ва мулкий аҳолини инобатга олиб, судланувчи жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб, бироқ у айбига қисман иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, судланувчи Д.Матназаровга айблов моддаси санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш лозим деб ҳисоблайди.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган “Samsung Galaxy A70” ва “Samsung Galaxy J2” телефон аппаратларини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилиниши, 6 дона “DVD-R” дискларни ҳамда судланувчи Д.Матназаров номига берилган “Ўзбекистон Республикаси қайтиш гувоҳномаси” эса жиноят иш ҳужжатларида сақланиши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амалқилиб, суд

### **ҲУКМ ҚИЛДИ:**

**Матназаров Дониёрбек Маткаримович** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбдор деб топилсин ва унга нисбатан шу моддага асосан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазо ўташ муддати 2021 йил 29 сентябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Д.Матназаровга қўлланилган “қамоқ” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг “Samsung Galaxy A70” ва “Samsung Galaxy J2” телефон аппаратлари йўқ қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг 6 дона “DVD-R” дискларни ҳамда судланувчи Д.Матназаров номига берилган “Ўзбекистон Республикаси қайтиш гувоҳномаси” жиноят иш ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:** (имзо)

**Б.Б.Бердиев**

ҳукм нусхаси аслига тўғри:

